

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ҚЎМИТАСИ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

**ЧОРВАЧИЛИК ҲАМДА ВЕТЕРИНАРИЯ
СОҲАЛАРИДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ
ҚИЛИШ ВА МУАММОЛАР**

**Республика илмий-амалий конференция материаллари
ТЎПЛАМИ**

II қисм

22-24 май, 2019 йил

Самарқанд – 2019

Суғориладиган ерларда 1000 та дон вазни тупрок намлигига, дон тўлишиш давридаги иссиқликка, касалликлар билан зарарланишга ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Джумаханов Б.М., Моргунов А., Моссад М., Кетата Х., Браун Х. Рол ИКАРДА и СИММИТ в развитии селекции пшеницы // Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конференция: Илмий конф. маърузалар тўплами. 17-18 май 2004. - Тошкент, 2004. - Б.18-19.

2. Курбанов Г., Джумаханов Б., Умарова М., Потокина С. Исходный материал для селекции зерновых колосовых культур // Вестник аграрной науки Узбекистана. - 2000. - №1. - Б.27-30.

3. Мирзаев О., Азизов Б., Жумабоев З., Қодиров О. Хорижий ва маҳаллий буғдой навларини синови натижалари // Аграр фани ютуқлари ва истиқболлари: Илмий-амалий конф. маърузалар тўплами. 1-2 май 2002. - Тошкент, 2002. - Б. 33-34.

УДК: 633 .171: 631. 52: 631. 51: 631. 55

АСОСИЙ ЭКИЛГАН ТАРИҚ НАВЛАРИНИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Омонов А., Халилов Н., Шакаров И.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация. Мақолада тарикънинг (*Rapicuit tilaseuit L.*) турининг халқ хўжалигидаги ахамияти, республикамызда асосий экин сифатида етиштириши имкониятлари, экиш меъёрларининг асосий экин сифатида экилган тарикъ навлари ҳосилдорлигига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: нав, ўсиш, меъёр, намуна, дон, ҳосил, ҳосилдорлик, уруғ, майса, муддат, витамин, нав намуналари.

Кириш. Дунё деҳқончилигида ФАО маълумотларига кўра 2016 йили тарикъ 32,9 млн. гектар майдонга экилган, ўртача ҳосилдорлиги - 9,1 ц/га ни ташкил қилган. Тарикъ қурғоқчиликка ва табиатнинг ноқулай омилларга чидамли, ўсув даври қисқа бўлган асосий ва такрорий экин сифатида етиштирилади асосий дон экинларидан бири ҳисобланади. Тарикдан озиқ-овқат сифатида сўк (пшено), ёрма тайёрлашда кенг фойдаланилади. Чорвачиликда паррандачиликни ривожлантиришда, концентрат ва омихта ем тайёрлашда тарикъ дони асосий компонентлардан биридир. Хар йили республикамызда тарикъ нав намуналари коллекцияси турли давлатлардан келтирилган навлар намуналари, дурагайлари уруғлари билан бойитмоқда. Навлар коллекциясидаги навларнинг ҳосилдорлиги, ўсув давлари, минтақа тупроқ-иқлим шароитига мослашуви, касалликлар ва зараркунандаларга, табиатнинг ноқулай омилларга чидамлиги ўрганилмоқда [1;4].

Тарикънинг ўсув даври қисқа бўлганлиги учун уни такрорий экин сифатида экин яхши натижа беради. Кўпгина ҳолларда кузги ва баҳорги галла экинларининг турли сабабларга кўра нобуд бўлган майдонларида, уларнинг ўрнига суғурта экин ҳамда такрорий экин сифатида экилади. Тарикъ нав хусусиятларига мос агротехника қўлланилганда 30-45 ц/га дон ҳосили ёки гектаридан 25-40 тонна кўк масса беради [2,3,5].

Тарикъ қимматли ёрма экини бўлиб у асосан дони ва тарикъ ёрмаси тайёрлаш учун экилади. Ёрмасидан тайёрланган бўтқа мазалиги ва тўйимлиги билан машҳур. Дони таркибида витаминлардан В₁(тиамин) ва В₂ (рибофлавин) бошқа донли экинларга нисбатан икки баробар кўп. Тарикънинг донидан спирт ва крахмал олинади, крахмали гуруччиликка нисбатан тезроқ қандга айланади ҳамда тез ҳазмланади. Унинг дони чорвачиликда ва паррандачиликда кенг фойдаланилади, яшил массасидан витаминли ўт уни, гранула ва брикетлар тайёрланади. Тарикъ дони товуқларга берилганда тухуми сони кўпаяди ва тухумининг пўчоги мустаҳкам бўлади. Шунингдек, у Марказий Осиё халқларининг шоли

экини тарқалгунча асосий озиқ-овқат экинларидан бири бўлган. Унинг дони таркибида калий, рух, натрий, йод, магний, бром элементлари миқдори кўп.

Сўнгги йилларда, дунё ва республика аҳолисини тарикъ ёрмасига ва чорвачиликни ем-хашакка бўлган талаби кундан кунга ортиб бормоқда.

Айни вақтда ички бозорда тарикъ донига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган ерлар минтақа иқлим-шароити учун мос навларни танлаш, мақбул етиштириш агротехнологиялари унсурларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Материаллар ва методлар Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилояти суғориладиган ерлари шароитида, тарикъ нав намуналарининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда тарикънинг дон ҳосили ва сифатида экиш меъёрларининг таъсирини ўргандик. Дала тажрибалари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ўқув-тажриба хўжалиги тажриба даласида 2017-2018 йиллар давомида ўтказилди.

Тажрибада тарикънинг 20 та нав намуналари ва Давлат реестрига киритилган Саратовская-853 нави апрелнинг иккинчи ўн кунлигида асосий экин сифатида экилиб, экиш меъёрлари 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилди. Тажриба даласидаги тарикъ нав ва нав намуналарини озиқа моддаларга бўлган талабини қондириш мақсадида $N_{150}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида минерал ўғитлар қўлланилди. Фосфорли ва калийли ўғитлар ерни ҳайдаш олдида тўлиқ миқдорда, азотли ўғит эса тупланиш фазасида N_{50} найчалаш фазасида N_{50} ва рўваклаш фазасида N_{50} кг/га миқдорда берилди.

Тажриба ўтказилган майдон тупроғи ўтлоқи, сизот сувлар 3-4 метр чуқурликда жойлашган. Тажриба пайкалчалари 4 такрорлашда, икки ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир пайкалчанинг ҳисобга олинган юзаси 50 м. кв. Тажриба майдонининг тупроғида гумус миқдори 0-30 см қатламда 1,20%, 30-60 см қатламда 1,17% бўлиб, пастки қатламларга қараб камайиб боради.

Тупроқ шўрланмаган, ундаги қуруқ қолдиқ 0,265-0,225%, ишқорлик даражаси рН-7,2. Тупроқдаги CO_2 корбонатлар миқдори 6,7-11,15%, сингдирилган катионлар миқдори 100 г тупроқда 7,9-11,8 мг/экв. Кальций ҳайдалма қатламда тупроқ 76,4-81,3% бўлиб, қуйи қатламда камайиб боради 60-66%. Тупроқнинг ҳайдалма қатламида сингдириши сизими 100 грамм тупроқда 12-15 мг/экв.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили Тарикъ иссиқсевар ўсимлик бўлганлиги туфайли унинг уруғлари етарли даражада қизиган тупроқларга экилади. Уруғларни экиш чуқурлигида тупроқнинг ҳарорати ўртача 13-15 °C қизиганда экиш маъқул. Бунда календар муддатлар белгиланганда, кунларнинг совиб кетиши эҳтимоли кўп йиллик маълумотларга асосланиб эътиборга олинади. Тарикъни оптимал экиш муддати бошқа экинларникига нисбатан анча давомли, аммо жуда эрта шунингдек кеч экиш уруғлар дала унувчанлигининг пасайишига олиб келиши кузатилади. Ўзбекистонда тарикъни суғориладиган ерларда, жанубий вилоятларда баҳорда мартнинг учинчи ўн кунлигида, ҳарорат 10 °C дан паст ва 30 °C дан юқори бўлса, майсалар тўла униб чиқмаслиги мумкин.

1 Жадвал

Экиш меъёрларининг тарикънинг Давлат реестрига киритилган Саратовская 853 нави ривожланиш фазаларининг давомийлигига таъсири

№	Экиш меъёри, млн дона	Экиш-майсалаш, кун	Майсалаш-тупланиш, кун	Тупланиш-найчалаш, кун	Найчалаш-рўваклаш, кун	Рўваклаш-гуллаш, кун	Гуллашпишиш, кун	Умумий ўсув даври, кун
1	1,5	10	20	15	13	7	19	84
2	2,0	10	20	14	13	5	18	80
3	2,5	10	19	13	12	6	19	79
4	3,0	10	17	13	12	6	17	75

Тажрибаларимизда тарикънинг асосий экин сифатида муддатларини ва меъёрини аниқлаш учун фенологик кузатувларни олиб бордик, уруғларни апрелнинг иккинчи ўн

кунлигида: 1,5; 2,0 2,5 3,0 млн дона унувчан уруғ меъёрларда экилди. Апрель ойида ҳавонинг ўртача ҳарорати кундузи +26 °С, кечаси +14-16 °С ни ташкил қилди.

Уруғларнинг дала шароитида униб чиқиши барча экиш меъёрларида 10 кунни ташкил қилди, ҳамда дала унувчанлиги нав ва нав намуналарида 87 дан 90,6 % гача ўзгариб бориши кузатилди.

Экиш меъёри 1,5 млн унувчан уруғ бўлганда, тупланиш фазасидан найчалаш фазасигача 15 кун, найчалаш фазасидан рўваклаш фазасигача 13 кун, рўваклашдан гуллашгача 7 кун, гуллашдан пишишгача 19 кунни, умумий ўсув даври эса 84 кунни ташкил этди.

Экиш меъёрларини ошириш билан фазалар орасидаги давр 4-5 кунга ўзгариши кузатилди, умумий ўсув даври эса 2,0 млн экиш меъёрида 80 кунни, 2,5 млн экиш меъёрида 79 кунни ташкил этди. Экиш 3,0 млн дона унувчан уруғ сарфланганда ўсув даври 75 кунни ташкил қилди. Экиш меъёрларининг ўсиб бориши билан ўсув даврининг қисқариб бориши кузатилди.

2 Жадвал

Тарик ҳосилдорлиги

Саратовская 853 нави	Экиш меъёри, млн. дона	Дон ҳосили, ц/га
	1,5	23,7
	2,0	27,6
	2,5	36,8
	3,0	31,5

Хулоса. Самарқанд вилоятининг ўтлоқи тупроқларида асосий экин сифатида экилган тарикдан энг юқори дон ҳосили олиш учун энг мақбул муддат апрелнинг иккинчи ўн кунлигида, экиш меъёри 2,5 млн дона унувчан уруғ эканлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Халилов Н. ва бошқалар. Ғалла экинларидан мўл ҳосил етиштириш технологияси. Самарқанд. 1997-Б.92.
2. Орипов Р.О., Халилов Н. Ўсимликшунослик. - Тошкент: Файласуфлар жамияти, 2007. -Б.192.
3. Стюфляев И. П. Летние сроки посева проса и их преимущества//Земледелие, 1955. - №6. - С. 22.
4. Зотиков, В.И. Производство зернобобовых и крупяных культур в России: состояние, проблемы, перспективы / В.И. Зотиков, Т.С. Наумкина, В.С. Сидоренко //Земледелие. - 2015. - №4. - С. 3-5.
5. Колмаков, Ю.В. Повышение качества зерна проса для эффективной его переработки в пшеничную крупу / Ю.В. Колмаков и др.// Рекомендации.- Омск, 2014. - 33 с.

УЎТ: 631.11. 631.8. 633.6

ЛОВИЯ ОҚСИЛГА БОЙ ҚИММАТЛИ ЭКИН

Халилов Н., Отаярова Г., Худойбердиева Ш., СамВМИ

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация: Мақолада инсон ҳаёти учун зарур бўлган оқсил муаммосини ҳал қилиш учун тан - нархи арзон, экологик тоза дуккакли-дон ўсимликлари вакилларида бири ловия орқали амалга ошириш, ловия ўсимлигини кимёвий таркиби, уни шифобахилик хусусияти, организмга фойдали ва ножўя таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: туганак бактериялари, пулин - алмашинмайдиган аминокислота (РНК таркибига кириб организмда мочеви́на креатинин, азот алмашинувини таъминлайди), фазин ва фазеолунатин моддалари - гликозид, ўзида синил кислотаси сақлаб ични қотириши хусусиятига эга.

МУНДАРИЖА

ЧОРВАЧИЛИКДА ОЗУҚА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ – ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ОЗИҚАБОП ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ, БИОТЕХНОЛОГИЯСИ, ОЗИҚАБОП ЭКИНЛАРНИ ЎҒИТЛАШ, ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Ғайбуллаев Ғ.С., Очилова Н., Болтаева Р.Н., Тошкентбоева Ф. Уруғлик кузги буғдой ҳосил таркибига етиштириш технологиясининг таъсири	6
Бекмурадова Х. Ёпиқ грунтда етиштиришда партенокарпик бодринг дурагайлариининг ҳосилдорлиги	8
Қаршиева У.Ш., Абдихаликова Б. Рақобат нав синовида кузги буғдой нав ва линияларининг урганиш натижалари	10
Абдуллаева Ю.Ў., Байсариева Ч.У., Хамроева М.Қ. Биотехнологик йўл билан ишлов берилган озиқалар билан озиқлантирилган қорамолларда овқат ҳазмининг ўзгариши	11
Эргашев Ш., Бобомирзаев., Алибоев Ш. Зарафшон водийси суғориладиган ерларда турли экиш муддатлари ва меъёрларида сулининг дала унувчанлиги	14
Эргашев И., Холиков А. Тритикале нав намуналарини тезпишарлик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш	17
Атамуродова М., Отаярова Г. Ғўза қатор ораларига экилган кузги юмшоқ буғдойни тупланишига меъёрларининг таъсири	18
Эргашев И.Т., Саидмуродова З.Т., Бегимкулов И.Б. Картошка навларини чипси тайёрлашга мослигини баҳолаш натижалари	21
Сувонова Г.А., Холмуродова М. Хам озуқа хам доривор экин	23
Луков М.К., Ҳайтов А.Б. Ҳар хил туп калинликда ўстирилган кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги ва уруғининг сифатига маъданли ўғитлар меъёрларининг таъсири	24
Исмоилов В.И., Мавлонов Б.Т. Экиш муддатлари ва маъдан ўғитлар меъёрини кузги жавдарнинг қишлаб чиқиши ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири	27
Равшанов Қ., Жўрақулов Қ., Хамраева М. Қаттиқ буғдойнинг истиқлол навини ҳосилдорлигига ўғит меъёрларининг таъсири	30
Қаршиева У.Ш., Рахмонова Х., Амонов Юмшоқ буғдой намуналарининг ўсимлик бўйи ва ётиб қолишга чидамлилиги	33
Халилов Н., Кулдашов Б.Х., Мавлонов Б.Т., Пўлатов Ж.А. Сояга бактериал ўғитларни қўллаш	34
Косимова Ш. Чорвачиликда маккажўхори-сифатли тўйимли озуқа	36
Ходжаева Н., Рўзикулова З., Хамраева М. Қаттиқ буғдойнинг истиқлол навини биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига суғориш сонининг таъсири	37
Элмуродов А., Бердимуратов Э., Шербоева С. Қаттиқ буғдой нав намуналарини қимматли хўжалик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш	40
Назаров Х.К. Маккажўхорининг янги Келажак-100 нави морфобиологик хусусиятлари	41
Эшонкулов Б.М., Эргашев И.Т., Нормуродов Д.С. Экиш схемасининг картошка маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири	44
Нурниёзов А.А., Джалилов М.У., Кодиров Б.Г. Некоторые полезные водно-болотных растений Самаркандской области и их значение	46
Абдукаримов Д.Т., Қаршиева У., Туракулов О. Арпа нав ва намуналарининг қимматли хўжалик белги хусусиятлари	48
Омонов А., Халилов Н., Шакаров И. Асосий экилган тарик навларини ўсиши ва ривожланишига экиш меъёрларининг таъсири	50
Халилов Н., Отаярова Г., Худойбердиева Ш. Ловия оқсилга бой қимматли экин	52